

Қурбон ҳайити муносабати билан 11-август кунни бўлиб ўтадиган тест синовлари бошқа муддатга кўчирилди



11:00 / 08.08.2019 2139

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» 2019-йил 2-августдаги ПҚ-4413-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қурбон ҳайитининг жойларда юқори савияда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши муносабати билан жорий йилнинг 11-август кунни ўтказиладиган тест синовлари қуйидаги муддатларга кўчирилганлиги маълум қилинади (абитуриент рухсатномасида кўрсатилган бино ва соат ўзгармаган ҳолда):

Қашқадарё вилоятида 12 август кунни;

Фарғона, Жиззах ва Навоий вилоятларида 13 август кунни;

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм ва Самарқанд
вилоятларида 14 август куни;

Бухоро вилоятида 15 август куни ўтказилади.

dtm.uz